# Бароат кечаси борасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмалари

Image not found or type unknown



17:07 / 23.02.2024 4841

عن عثمان بن أبي العاص رضي الله عنه عن النبي صلي الله عليه و سلم قال:إذا كان ليلة النصف من الشعبان نادي مناد هل من مستغفر؟ فأغفر له؟ هل من سائل؟ فأعطيه فلا يسأل أحد شيئا إلا أعطى إلا زانية بفرجها أو مشرك. (شعب الإيمان للبيهقي)

Усмон ибн Абул Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«**Қачон шаъбоннинг ўн бешинчи кечаси бўлса, бас, (Аллоҳ таоло тарафидан) бир нидо қилувчи нидо қилади: «Бирорта мағфират**

**сўровчи борми, Мен уни мағфират қиламан! Бирор нарса сўровчи борми, Мен унга бераман»,** дейди. Шу вақтда ким (қалбидан) сўраса, унга (ўзининг шаънига мувофиқ) берилади. Зинокор ҳотин ва мушрикдан бошқа. (Булар ўзларининг ёмон амаллари сабабидан Аллоҳ таолонинг неъматидан маҳрум бўлгандирлар)».